



Б.г. «11» август

№ 2365-К

“Қайнама” қишлоқ фуқаролар йиғини “Қорасув” маҳалласида фуқаро Садуллаева Сураяга савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида.

“Қайнама” қишлоқ фуқаролар йиғини “Қорасув” маҳалласида яшовчи фуқаро Садуллаева Сурая туман ҳокими номига “Қайнама” қишлоқ фуқаролар йиғини “Қорасув” маҳалласи ҳудудидан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси қуриш учун ер майдони ажратишни сўраб ёзган аризаси, туман ҳокимининг 2012 йил 18 октябрдаги 1227-Қ сонли “Туман ҳокимининг 2012 йил 18 июндаги 691-Қ сонли қарорида кўрсатилган бино ва иншоотларни туман ҳокимлиги балансига қабул қилиб олиш ҳақида”ги қарори, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосаси, “Қишлоқ-қурилишлойҳа” масъулияти чекланган жамиятининг 2014 йил 28 ноябрдаги 11-14/567 сонли хулосасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 майдаги “Давлат мулки объектларидан келгусида самарали фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 154-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаъолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. “Қайнама” қишлоқ фуқаролар йиғини “Қорасув” маҳалласида яшовчи фуқаро Садуллаева Сураяга “Қайнама” қишлоқ фуқаролар йиғини “Қорасув” маҳалласи ҳудудидан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси қуриш учун 0.14 га (шундан 260 м.кв. қурилиш учун 0,11 га ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш учун) қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.
2. Фуқаро Садуллаева Сураяга савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчасини қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шахарсозлик кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда